

**Тагаев Б.Э.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Ижтимоий тадқиқиотлар институти  
лойиҳа раҳбари, и.ф.н.

# ЎЗБЕКИСТОНДА РАЦИОНАЛ ИСТЕМОЛ НОРМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ – АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли турмуш даражасини баҳолаш муаммолари ўзгаришлар жараёни ва моҳиятига мос ҳолда янгича тус олмоқда. Ушбу муаммолар, айниқса, Ўзбекистон учун дол зарбdir, чунки инсон манфаатларини таъминлаш масаласи барча йўналишдаги ислоҳотларнинг бош мақсади сифатида қўйилган. Аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш мамлакат ривожланиши стратегиясининг асосий устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.*

Аҳоли фаровонлигини ўзида яққол мужасам этадиган энг муҳим кўрсаткич – бу оила истеъмол бюджетининг ҳажми ва таркибидир.

Ушбу кўрсаткич оила ялпи даромадлари ҳажми ва таркибига, истеъмол бозорининг зарур товар ва хизматлар билан тўлдирилиши ҳамда оила даромадларининг ана шу истеъмол товарлари ва хизматларни харид қилиш имкониятларига боғлиқ.

Аҳолининг амалда товар ва хизматларни истеъмол қилиши илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, у аҳоли турмуш даражасида рўй бераётган энг сезиларли объектив ўзгаришларни, истеъмолнинг реал қиймати ва таркибининг шаклланишини аниқлаш имконини беради.

Товар ва хизматлар истеъмоли – аҳоли фаровонлиги даражасини белгилаб берувчи муҳим таркибий қисмидир. Истеъмол билан барқарор иқтисодий ўсиш, истеъмол бозорида талаб ва таклиф мувозанатининг таъминланиши, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарла-

рини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизми, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳамда рационал овқатланиш стратегиясини амалга ошириш ва бошқалар бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганлариdek: "Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Бунинг исботи тариқасида қуйидаги мисол ва рақамларни келтирмоқчиман. Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил

этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди”<sup>1</sup>.

Аҳоли даромадларининг барқарор ўсиши уларнинг тўпланиши ва жамғарилишининг стабил равишда ошишини таъминлаш имконини берди. Фақатгина 2012 йилнинг ўзида аҳолининг тижорат банклардаги омонатлари 34 фоизга, охирги 10 йил ичида эса 40 баробарга ошди.

Турмушқиймати ва аҳолисонининг ўсишига қарамасдан, аҳолининг хоҳ номинал, хоҳ реал пул даромадлари кўрсаткичларининг, айниқса, охирги 5–6 йилда жадал равишдаги ошиши туфайли уй хўжаликларининг истеъмол мақсадлари, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда замонавий майший ва узоқ муддат фойдаланалидиган товарлар хариди учун харажатларининг ўсиши тенденцияси пайдо бўлди ва у йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги табрик сўзида айтиб ўтганлариdek, 2000 йилга нисбатан ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 марта, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 марта, таққослама баҳолардаги номинал иш ҳақи 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 марта, аҳоли жон бошига реал даромадлар эса 8,4 марта ошган<sup>2</sup>.

Ҳозирги вақтда оиласарнинг 97 фоизи ўз турар-жойларига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддатли истеъмол товарларининг барча асосий турлари билан таъминланган, ҳар учинчи оиласанинг шахсий автомобили бор, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти етарли даражада.

Ўтказилаётган сўровларга қараганда, ҳозирги вақтда юртимиз аҳолисининг деярли 50 фоизи ўзларини ўрта синфа мансуб деб ҳисоблайдилар, ҳолбуки 2000 йилда фақатгина 24 фоиз аҳоли шундай фикрда эди.

<sup>1</sup> Каримов И.А.. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарилиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012. –14–15-6.

<sup>2</sup> Каримов И.А.. Мустақиллик – барча эзгу режа ва мэрраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013. –8-6.

Шундай қилиб, охирги 5–6 йил ичида мамлакатда номинал ва реал даромадлар ўсиши ва уларнинг истеъмол мақсадларига, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бирламчи эҳтиёж товарлари харидига сарфланиши тенденцияси вужудга келди ва у тобора мустаҳкамланаб бормоқда. Бу ҳам дехқончилик, ҳам чорвачилик соҳаларида етиштирилган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари киши бошига ўртача истеъмолининг тадрижий равишида ўсишига ёрдам берди (баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмларидағи тегишли йилда уларни етиштириш учун юзага келган об-ҳаво шароитларига боғлиқ сезиларли фарқ сақланиб қолмоқда). Уй хўжаликларининг узоқ муддатли майший ва маданий истеъмол товарлари (жумладан, енгил автомобиллар) хусусидаги эҳтиёжларининг янада тўлиқроқ қондирилиши билан бир вақтда, уларнинг тўпламларидаги замонавий ва энгянгитурларга йўналтирилган структуравий ўзгаришлари юзага келди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 1990–2012 йиллар мобайнида аҳоли сонининг 45 фоизга ошишига қарамасдан, киши бошига ўртача истеъмол гўшт ва гўшт маҳсулотлари бўйича 38,7%, тухум бўйича 2,1 марта, сабзавот бўйича 1,7 марта, картошка бўйича 1,9 марта, мевалар бўйича 5,4 марта ва шакар бўйича 2,1 марта ошди. Бу борада истеъмол структураси янада сифатлироқ озиқ-овқат маҳсулотлари томонга ўзгаряпти, аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат молларининг номенкулатураси ва ассортименти ўнлаб марта ўсди.

Бугунги кунга келиб аҳолининг истиқболдаги даромадларига оид давлат сиёсатининг оптималлаштирилиши амалда рацонал истеъмол бюджети ишлатилишини белгилайди. Ушбу восита ўрта синф кенг қатламини ташкил қилиш ҳамда иш ҳақининг худудий коэффициентларини қайта кўриб чиқишга йўналтирилган чораларни амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин. Бунда иқтисодиётнинг бюджет сектори ходимлари аҳолининг ўрта даромадли қатламини ташкил этиши даркор, бу эса иқтисодий ривожланиш давомининг ҳамда мамлакатдаги сиёсий барқарорликнинг зарурий шартидир.

Рационал истеъмол бюджети деб, харажат қисми моддий ва маънавий неъматлар

ва хизматларнинг илмий нуқтаи назардан маъқул бўлган муайян тўплами истеъмолнинг рационал нормаларидан келиб чиқиб шаклланадиган назарий қурилган идеал бюджетга айтилади. Рационал истеъмол бюджети – ижтимоий-иқтисодий таҳлил воситаси ҳамда унга интилиш керак бўлган ориентир ва мақсаддир.

Истеъмолнинг рационал даражаси инсоннинг маъқул эҳтиёжлари қондирилишидан келиб чиқиб аниқланади. Унинг ичига кирадиган товар ва хизматлар тўплами шахснинг тўлиқ ва мукаммал физиологик ва ижтимоий ривожланишини таъминлайди. Истеъмол корзинкаси тўпламини аниқлашда инсоннинг жисмоний ва ижтимоий эҳтиёжларини ўрганадиган турли фанлар маълумотларидан фойдаланилади.

Истеъмол сифати стандартларини ишлаб чиқиш қўйидагилар бўйича аниқ тасаввурга эга бўлиш учун зарурдир:

- амалда эришилган турмуш даражаси;
- амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар мақсадлари;
- ижтимоий кафолотларнинг асосланганилиги ва ҳоказо.

Истеъмол сифати стандартининг таҳминий структураси мувозанатланган, етарлича озиқ-овқат маҳсулотларидан таркиб топган, кунига 2750–3500 ккал миқдорида бўлган етарлича озиқланишни; рационал меъёрлардаги (20–30 кв.м.) сифатли коммунал хизматлар мажмуаси бўлган обод турар-жойни; етарлича неъматлар мажмунини; буюмларни янги русумли ассортиментига муддатидан аввал алмаштира олишга эришишни таъминлаши керак.

Рационал фаровонлик бюджети шаклланишининг асосини айрим белгиларга кўра ўрта қатламларга, аниқроғи унинг “асосий” пастки қисмига киритилиши мумкин бўлган шахслар ташкил қиласди. Бундай тасарруф йўлини ёши жиҳатдан (ёшлир ва ўрта ёшдагилар, шунингдек, ишлаётган ёки яқинларидан ёрдам ва кўмак олиб турган кексаларнинг бир қисми) ёки оиласвий аҳволига кўра (оиласилар ҳамда ёлғизлар) деярли фарқланмайдиган кўпгина ижтимоий-демографик гурухлар вакиллари танлайдилар. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-касбий статус, рационал овқатланиш стратегияси, энг аввало, ишлай-

диганлар, бюджет соҳасида банд бўлганлар, шунингдек, кичик ва ўрта бизнеснинг пастки бўғимларидағи ёлланма хизматчилар учун характерлидир. Ушбу категориядаги истеъмолчиларнинг каттагина қисми олий маълумотга эга.

Рационал истеъмол бюджети инсоннинг рационал, оқилона эҳтиёжларини қондиришнинг илмий асосланган меъёрлари ва нормативларига кўра товар ва хизматларнинг истеъмоли, уй хўжаликларининг маданий-маиший ва хўжалик моллари билан таъминланганлигини ифода этади. Ҳақиқий ижтимоий фойдалиликка асосланган ушбу ижтимоий норматив жамиятда эришилган истеъмол даражаси, унинг амалдаги структурасининг рационал структурасига нисбатини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларда рационал истеъмол бюджети структураси қўйидагича: озиқ-овқат маҳсулотлари – 30% гача, ноозиқ-овқат маҳсулотлари – 47% (ундан матолар, кийим-кечак, пойабзал – 20%, маданий-маиший буюмлар – 18%, бошқа товарлар – 9%) ва барча хизматлар 23% бўлиши лозимлиги тавсия қилинмоқда.

Масалан, Россиядаги баъзи олимлар рационал истеъмол бюджетини қўйидагича таърифлайдилар: ўрта даромад истеъмол бюджетлари жамиятнинг ўрта синфи қатламлари ҳаёти, яъни “ўрта синф” деб аталадиганлар учун моддий шароитлар яратувчи аҳоли ва иш берувчиларнинг даромад ва харажатлари баланси ҳамда давлатнинг молиявий тизими-даги маблағларини ифодалайди<sup>1</sup>.

Рационал ҳаракат стратегияси – бу истеъмолчининг натижаси ва сарфлар нисбатининг қатъий ҳисобига, эҳтиёжни қондиришнинг энг рационал йўлини танлашга асосланадиган ҳаракатидир. Истеъмолчининг асосий мақсади – нарх ва сифат нисбатининг оптималлаштирилишидир.

Товар ва хизматлар истеъмолининг рационал нормативларини ишлаб чиқиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли прогнозларини шакллантиришда улардан амалда фойдаланиш, истеъмол

<sup>1</sup>Бобков В.Н. Методологический подход всероссийского центра уровня жизни к изучению и оценке качества и уровня жизни населения. // “Уровень жизни населения регионов России”, 2009 г, № 7. –С. 29.

1 -жадвал

**Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли рационал нормалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари (кг/йил/жон бошига)**

| Озиқ-овқат маҳсулотлари  | Истеъмол минимал нормалари* | Амалдаги истеъмол (2010 йил)** | Амалдаги истеъмол (2012 йил)*** | БМТ ЖССТ рационал нормалари |
|--|-----------------------------|--------------------------------|---------------------------------|-----------------------------|
| Нон ва нон маҳсулотлари ун ҳисобида (ун, ёрмалар, дуккаклилар) | 64,1                        | 160                            | 178                             | 120,5                       |
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, жами                                | 36,0                        | 38                             | 43                              | 70,1                        |
| Сут ва сут маҳсулотлари, сут ҳисобида                          | 281,6                       | 239                            | 188                             | 359,9                       |
| Тухум, дона  | 295,5                       | 138                            | 202                             | 243                         |
| Сабзавот ва полиз эқинлари                                     | 165,3                       | 238                            | 186                             | 140,3                       |
| Картошка   | 57,0                        | 45                             | 56                              | 96,7                        |
| Ўсимлик мойи ва бошқа мойлар                                   | 8,8                         | 13                             | 19                              | 13,1                        |
| Шакар  | 18,5                        | 17                             | 25                              | 36,5                        |
| Мева ва резаворлар   | 116,4                       | 83                             | 124                             | 80,3                        |

\* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2003 йил 11 марта тасдиқланган минимал истеъмол нормалари.

\*\* Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2000 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари статистик тўплами. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. –87-6.

\*\*\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг социологик сўров натижалари.

бозорида талаб ва таклифнинг мувозанатини таъминлаш, йирик инвестицион лойиҳаларни асослаш, келажакда аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг юқори стандартларига етишишда мўлжаллаш учун зарур.

Бунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кенг тадқиқотлар ва кўп йиллар давомида олиб борилган узоқ муддатли кузатувларига асосланган тавсияларига амал қилиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

Республикада аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда тартиблаш учун истеъмол даражасини ҳажм, таркиб ва энергетик қиймат бўйича, йод, темир ва витаминалар мавжудлигига кўра аста-секин рационал даражага яқинлаштиришни кўзда тутадиган Овқатланиш стратегияси ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши зарур. Бунда аҳолининг анъаналари ва истеъмол афзаллilikлари, табиий-иқлим ҳусусиятлари, хорижий давлатларда эришилган истеъмол стандартлари ҳисобга олиниши керак.

Одамларнинг истеъмолнеъматларига бўлган мақбул эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун зарур ноозиқ-овқат товарлари тўпламини

шакллантиришнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- аҳоли асосий ижтимоий-демографик гурухларининг жинс ва ёш ҳусусиятлари, организмнинг атроф-муҳит таъсиридан ҳимояланиш ҳамда майший шароитларни ташкиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ноозиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжлари қондирилиши;

- ўртачадан юқорироқ фаровонлик даражасидаги оиласаларнинг ноозиқ-овқат товарлари билан таъминланганлигининг амалдаги даражаси;

- ноозиқ-овқат товарлари бўйича оила ичидаги истеъмолнинг ташкил топган структураси;

- оқилона равишдаги янгилаб туриш, етарлича турли-туманлик, ўртача чакана нарх, ноозиқ-овқат товарларига етишишнинг мумкинлиги, мос сифатдаги маҳаллий ва хорижий товарлардан исталганини танлаш имкониятлари.

Ноозиқ-овқат товарларининг рационал тўплами, ўртача даромадли оиласа хос бўлган ҳолда, эскиришнинг тегишли муддатлари ҳисобга олинган равишда, шахсий ва умумоилавий истеъмолдаги ноозиқ-овқат товарлари

**Уй хўжаликларининг узоқ муддатли товарлар билан таъминланишининг рационал нормалари (оиласвий коэффициент – 5,3 кишидан келиб чиқсан ҳолда) (ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган сони)**

| № | Товар номлари       | Амалдаги таъминланганлик, 2000 йил | Амалдаги таъминланганлик, 2010 йил* | Амалдаги таъминланганлик, 2012 йил** | Тавсия қилинаётган рационал нормалар |
|---|---------------------|------------------------------------|-------------------------------------|--------------------------------------|--------------------------------------|
| 1 | Телевизорлар        | 88,0                               | 132,0                               | 139,4                                | 180                                  |
| 2 | Музлатгичлар        | 86,0                               | 99,0                                | 96,2                                 | 100                                  |
| 3 | Кондиционерлар      | 11,0                               | 18,5                                | 19,7                                 | 100                                  |
| 4 | Чангютгичлар        | 30,0                               | 37,0                                | 37,1                                 | 100                                  |
| 5 | Компьютерлар        | 0,2                                | 12,0                                | 15,3                                 | 90                                   |
| 6 | DVD-плеерлар        | 31,0                               | 64,0                                | 73,7                                 | 75                                   |
| 7 | Кир ювиш машиналари | 69,0                               | 75,0                                | 75,0                                 | 100                                  |
| 8 | Мобил телефонлар    | 18,0                               | 145,0                               | 218,2                                | 200                                  |
| 9 | Енгил автомобиллар  | 20,1                               | 27,1                                | 33,8                                 | 100                                  |

\* Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990–2000 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари статистик тўплами. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. –89–6.

\*\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг социологик сўров натижалари.

ҳамда биринчи эҳтиёж буюмлари, санитария-гириена товарларидан шаклланади.

Охирги ўн икки йил давомида уй хўжаликларининг нисбатан қиммат бўлган товарлар билан таъминланганлиги анча ошди, масалан, кондиционерлар билан – 1,8 марта, компьютерлар билан – 77 марта, мобил телефонлар билан – 12 марта, DVD-плеерлар билан – 2,4 марта, телевизорлар билан – 1,6 марта, енгил автомобиллар билан таъминланганлик 1,7 марта ошганлигини 2-жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Ноозиқ-овқат товарлари истеъмолининг эришилган даражаси уларни ишлаб чиқариши ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли дастурлар ва инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилишида талаб ва таклифнинг мувозанати кучайтирилишини талаб қилади.

Эришилган даража ва хорижий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда, истеъмолнинг рационал нормаларини ишлаб чиқиш билан хизматлар истеъмоли таркиби ва структурасини такомиллаштириш, аҳоли жойлашиш тизими ва ҳудуд масштабларини назарда тутиб хизмат таклифларининг талаб қилинаётган жойларга (маҳалла, турар-жой пункти, туман

ва вилоят марказлари, мамлакат пойтахти) яқинлаштирилиши ғоят муҳимdir.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфи шакллантириш имконини берди. Экспертларнинг хulosаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2010 йилда эса 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлганлар<sup>1</sup>.

Жамият ривожининг ҳозирги шароитида келажакка йўналтирилган стандарт сифатида турмуш даражаси ва унинг ошишини прогнозлаштириш имконини берувчи рационал истеъмол бюджетининг ишлаб чиқилиши қатъий зарурат касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990–2000 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари статистик тўплами. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. –83–6.

Одамлар ҳаёти ва фаолиятининг комплекс баҳоси ўлароқ, турмуш даражаси инсон эҳтиёжларини таъминлаш савияси, унинг минимал ижтимоий стандартлар ва жамиятнинг ресурс имкониятлари билан мос келадиган ўз ҳаётий режаларини амалга оширишдан қониққанлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимидан иборатdir.

Турмуш сифати кўрсаткичлари ижтимоий комфортликни сезишга анчагина таъсир қилсада, инсонлар турмуш сифати фақат уларнинг турмуш даражаси билангина чегараланмайди. У инсонлар эҳтиёжларининг муйян ижтимоий шароитларда қондирилиши кўрсаткичлари ва жисмоний ҳамда психологик ягоналик, шахсий озодлик ва ижод учун имкониятларни хавф остида қолмасдан сақланганлигига ишонч билан белгиланади.

Турмуш сифати параметрлари фақат ижтимоий ривожланиш учун эмас, балки унинг шарти бўлиб хизмат қилиши лозим. Давлатнинг ҳеч қандай ҳаракати турмуш сифатининг ҳаддан ташқари ёмонлашувининг чегаравий кўрсаткичларидан ўтиб кетмаслиги керак.

Турмуш сифати иқтисодий ва кўп жиҳатдан маънавий омиллардан ва, авваламбор, мамлакатдаги ахлоқий муҳитга боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, саноат ривожланиши ва турмуш даражасининг тараққиёт мезонларидан бири эканлигини инкор қилмаган ҳолда, уларнинг мақсад эмас, балки восита сифатида қўлланишини билдиради.

Истеъмолнинг рационал даражаси инсоннинг оқилона эҳтиёжларини қондирилиши билан белгиланади. Ундаги товар ва хизматлар мажмуаси шахснинг тўлиқ ва жисмонан уйғун ҳамда ижтимоий ривожланишини таъминлайди. Рационал истеъмол саватчasi тўпламини белгилашда инсоннинг жисмоний ва ижтимоий эҳтиёжларини ўрганувчи турли фанлар маълумотларидан фойдаланилади.

Асосий товар ва хизматлар турларининг аҳолижон боши ёки оиласланомонидан истеъмол қилинишининг таркиби ва даражасини таҳлил қилиш оиласланинг харажатлар структурасининг рационаллик мезонларига асосланади: оила даромадларининг ошиши овқатланиш харажатлари улушининг камайишига ва харажатлар улушининг сезиларли даражада маданий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун кўпайишига олиб келади.

Рационал истеъмол бюджети белгиланган меъёрлардан келиб чиқсан ҳолда қуйидагилар ҳисобланади: овқатланиш, турар-жой билан таъминланиш нормалари мавжуд бўлиб, бу нормалар санитар нормалардан фарқланади. Масалан, санитар нормаларга мувофиқ, ҳар бир оила аъзосига 18 квадрат метр турар-жой майдони мўлжалланган бўлиб, ижтимоий нормаларга мувофиқ ҳисобланган рационал истеъмол бюджетида эса оиласинг ҳар бир аъзоси сони бўйича битта хона ва яна бир қўшимча бир хона, яъни N+1 формуласи қўлланилади.

Рационал истеъмол бюджетининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишиданоозик-овқат ва хизматларнинг истеъмол қилиш чегаралари озиқ-овқатга қараганда анча кенглигини ҳисобга олиш зарур (3-жадвал). Улар инсон ва унинг оиласига тегишли кўпгина омил ва ҳаёт давридаги босқичларга боғлиқ. Буларга қуйидагилар киради: ёш, жинс ва маълумот даражаси, меҳнат фаолияти хусусияти ва турмуш тарзи, оиласавий аҳволи, саломатлик ҳолати; мулкий таъминланганлик ва жорий даромадлари; у ёки бу даражада ривожланган эҳтиёжлари ва уларни амалга ошириш имкониятлари; иқлим шароитлари ва истеъмолнинг миллий хусусиятлари ва ҳоказо.

Аҳоли айрим қатламларининг узоқ муддатли товарлар билан таъминланганликларини белгилаб берувчи фарқлар тўғрисидаги маълумотларни олиш учун турли таркибдаги, жон бошига тўғри келадиган турли даромадга эга, турар-жой шароитлари билан фарқланадиган ҳамда шаҳар ва қишлоқда истиқомат қиладиган уй хўжаликларида ушбу товарлар билан таъминланганлиги борасида танланма сўровлар ўтказилади. Бу маълумотларни олиш – уй хўжаликлари бюджетини ўрганишнинг бир йўналишидир. Статистик таҳлил мавзуси эса кам даромадли ва юқори даромадли уй хўжаликлари, қишлоқ ва шаҳар уй хўжаликларининг узоқ муддатли товарлар билан таъминланганлигидаги динамика ва дифференциацияси; уй хўжаликларининг даромад даражаси ва демографик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда майший ва маданий буюмларни сотиб олишдаги фарқлари ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг бюджетлари статистикаси уй хўжаликларининг маълум бир узоқ

**Рационал истеъмол бюджетини шакллантиришнинг асосий тамоилилари**

| Озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами   | Ноозиқ-овқат товарлар тўплами   | Хизматлар тўплами   |
|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гурухларининг озиқ-овқат моддаларига, уларнинг кимёвий ва қувват аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда эҳтиёжларини қондириш;</li> <li>- оиласарнинг амалдаги овқатланишида озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ҳисобга олиш;</li> <li>- овқатланишнинг хилма-хиллиги;</li> <li>- озиқ-овқат рационининг асосий компонентлар (оқсили, ёғ, углевод, микроэлемент ва витаминлар)га мувозанати;</li> <li>- саломатлик учун фойдали овқатланиш мақсадида, кўпроқ ўзимизда етиширилган озиқ-овқат маҳсулотларини танлаш;</li> <li>- озиқ-овқат рационининг мувозанати (куват сарфининг қувват истеъмолига мослиги)</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>- инсоннинг барча ижтимоий комплекс функцияларига етарли бўлган товар ва хизматларни истеъмол қилиш даражасини таъминлаш;</li> <li>- ўрта даражадан юқори бўлган оиласарнинг амалдаги ноозиқ-овқат товарлари билан таъминланганлик даражаси;</li> <li>- оқилюна янгиланиш, етарли даражадаги хилма-хиллик;</li> <li>- илмий асосланган норма ва белгиланган нормаларга мувофиқ инсон эҳтиёжларининг таъминланганлиги.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>- аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гурухларининг турар-жой, майший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш;</li> <li>- барча сифатли коммунал хизматлар тўпламига эга бўлган қулай ва шинам турар-жой;</li> <li>- амалдаги транспорт хизматларидан фойдаланиш даражаси;</li> <li>- турли-туман хизматлардан фойдаланиш миқдори ва сифати;</li> <li>- жамиятда турли-туман хизматларга пайдо бўлаётган эҳтиёжларнинг қондирилиши.</li> </ul> |

муддатли замонавий буюмларга эга эканликлари тўғрисидаги характеристикани олиш имконини беради.

Хозирги замон шароитида аҳоли турмуш даражаси фақатгина озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш кўлами билангина эмас, балки пуллик ва бепул хизматлардан фойдаланиш билан ҳам белгиланади.

Хизматлардан фойдаланиш кўлами ва динамикаси аҳоли турмуш даражаси индикаторлари ҳисобланади ҳамда аҳоли даромадлари ошгани сари улар томонидан хизматлардан фойдаланиш кўлами кўпайиб, таркиби кенгаяди. Аҳоли дастлаб биринчи навбатдаги – озиқ-овқат, кийим-кечак, пой-афзал, узоқ муддатли асосий товарларга бўлган эҳтиёжини қондирган ҳолда, қанчада кўп пул маблағларини турли хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтира олса, шунча унинг моддий фаровонлик даражаси юқори бўлади.

Айни вақтда шуни назарда тутиш зарурки, давлат аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бепул хизматлар соҳасидаги муассасаларни таъминлашдаги харажатларнинг каттагина қисмини ўз зиммасига олган. Улар қаторига бепул умумий ва касб-хунар таъли-

ми, тиббий ва ижтимоий ёрдам, қарияларни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказолар киради.

Турли даражадаги фаровонликка эга бўлган уй хўжаликларининг биринчи заруриятдаги хизматларга, яъни турар жой-коммунал хизматлари, электр, газ, сув таъминоти, иситиш хизматлари ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжларига асосий эътибор қаратилади.

Хизматлардан фойдаланишни ўрганишда уларни истеъмол қилиш дифференциациясидаги умумий омилларни ҳисобга олиш зарур, яъни биринчи навбатда:

- аҳоли истиқомат қиласидиган табиий-иқлим шароитларидаги фарқ;
- аҳоли таркибидаги демографик фарқ;
- хусусий ва жамоат мулки таркибига таъсир қилувчи тарихий шарт-шароитлар ва турмуш анъаналарининг мавжудлиги, истеъмол одатлари ва ҳоказолар, аҳолининг у ёки бу хизмат турларига бўлган эҳтиёжларининг ўзига хослигининг акс этиши.

Рационал хизматлар тўплами ўз ичига турар-жой коммунал, транспорт, майший, маданий-кўнгилочар, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, спорт ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари томонидан кўрсатилаётан пуллик хизматлар ва бошқа турдаги хизматларни қамраб олади.

Хизматларнинг бошқа турлари (алоқа хизмати, кийим ва пойафзал таъмирлаш, сартарошхона, ҳаммом, кир ювиш, маданий-кўнгилочиш муассасалари ва ҳоказоларга бориш) рационал хизматлар тўпламига ижтимоий тадқиқотлар маълумотларидан келиб чиқсан ҳолда, хизматларга бўлган харажатларнинг умумий қийматига нисбатан фоизларда киритилади.

Кўриниб турганидек, ҳозирги кунга келиб, бу йўналишда методологик, амалий, ташкилий ва бошқа кўринишдаги кўпгина масалалар мавжуд. Рационал истеъмол бюджетини ишлаб чиқиша алоҳида тадқиқот ўтказиш жуда долзарб масала бўлиб, унинг асоси истиқболда истеъмол стандарти сифатида хизмат қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма обьектларини ри-

вожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Рационал истеъмол бюджетини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш ўрта синф қатламини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Бунда ўрта синф қаторига тадбиркор ва фермерлардан ташқари ўртача даромадга эга бўлган иқтисодиётнинг бюджет сектори хизматчиларининг кириши мамлакатнинг кейинги иқтисодий ривожланиши ва ижтимоий барқарорлигининг муҳим шартига айланиши лозим.

Товар ва хизматларни истеъмол қилишнинг рационал истеъмол нормативлари мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларини шакллантириш, истеъмол бозорида талаб ва таклиф мувозанати, озиқ-овқат хавфсизлиги, йирик инвестицион лойиҳаларни асослаш ҳамда аҳолининг келажакда юқори турмуш даражаси ва сифатига эришиш учун амалий қўллашда муҳим аҳамиятга эга.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-том. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. –106-б.
2. Муталлимова В.А. Влияние размера и структуры домашних хозяйств в Азербайджане на показатель потребления.// "Вопросы статистики", 2011, № 4. –С. 53.
3. Садков В.Г., Старикова Л.И., Новикова Е.В. Формирование эффективной стратегии развития регионов на основе совершенствования расчётов потребительских бюджетов. // "Управление общественными и экономическими системами", 2011, № 2. –С. 6.
4. Zherebin V.M., Romanov A.N. The Population standards of living. – М.: YUNITIDANA, 2002. Р. 592.
5. Качество и уровень жизни населения в новой России (1991–2005 гг.) – М.: Всероссийский центр уровня жизни, 2007. –С. 197.
6. Сухарев О.С. Социальная политика и измерение качества жизни населения. // "Уровень жизни населения регионов России", 2013, № 7 (185). –С. 109.
7. Рассадин Б.И., Лихтенвальд А.В. Потребительская корзина должна стать истожником формирования нации. // "Уровень жизни населения регионов России", 2013, № 7 (185). –С. 122.
8. Стратегия повышения благосостояния населения Республики Узбекистан на 2013–2015 гг. – Т.: 2013. –С. 11.